



САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

ЗДОРОВЬЕ НАРОДА — БОГАТСТВО СТРАНЫ

PEDIATR№ 3-4 (899-900)
17-Fevral, Dushanba
2020-yilTOSHKENT PEDIATRIYA TIBBIYOT INSITUTI MEHNAT JAMOASI NASHRI
ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО
ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСТИТУТАGazeta 1974-yil
martdan chiqsa
boshlagan

СҮЗ МУЛКИННИГ СУЛТОНИ

Б.Т.Даминов
ТошПТИ ректори,
Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар кенгаши
депутати

«Туркий тилда ҳеч ким Навоийдек кўп ва хўп шеър айтмаган ҳамда назм гавҳарларини сочмаган эди», - дея қарийб беш аср бурун эътироф этган эди ҳазрати Алишер Навоий ҳакида адабиётимизнинг буюк намоёндаси Абдураҳмон Жомий. Дарҳакиат, Навоий ҳазратларининг ҳар бир сатрининг сиёҳи ҳали қотмагандек, гўё кечагина битилгандек ҳар бир сатрида олам маъно хикматлар мужассамлашган. Туркий ҳалқларнинг ҳакиқий маънодаги адабиётига илдиз бўла олган буюк мутафаккир – ҳазрати Алишер Навоий асарлари бугунги куннинг таълим тизимида ҳам катта ахамиятга эгадир.

Ҳар бир миллатнинг ўз она тили ўша миллатнинг илдизи ҳисобланади. Демак, она тилининг ривожи ҳам, албатта, миллатнинг, давлатнинг ва келажак авлоднинг ривожидир. Ана шундай она тилимизнинг ривожига ўз ҳиссасини қўшиб адабий оламнинг намоёндадари бўлган сўз мулкининг беназир ижодкорлари ҳалқимиз ардоғидан тушмай келади. Доно ҳалқимиз таъкидлаганидек, ҳакиқат битилган асар ҳеч қачон ўлмайди. Негаки, башариятнинг тарихида ҳар замон ва маконда адолат ҳисси устувор ҳисобланади.

Ҳазрати Алишер Навоийнинг адабий меросида жамиятнинг муаммо ва ечимлари бадиий тасвири кенг ёритилган. «Ҳамса» достонининг биринчи достони ҳисобланган «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги 20 та мақолот мана шундай жамият ва башариятга ҳакиқий маънодаги илбади бўла ола-

диган хикматларга йўғрилган. «Шоҳ одил бўлса, ҳалқ баҳтли бўлади», - деган қарашларга асос сифатида ҳазрати Навоийнинг «Ҳамса»сидаги биринчи достонининг 3-мақолотини мисол тариқасида келтира оламиз. Ушбу мақолот – «Салотин бобида», яъни «Султонлар ҳакида» деб номланган. Ҳазрати Алишер Навоий ушбу мақолотда адолат тушунчасига кенгрок ёндашиб, ҳар бир одилликда, албатта, ҳалқ манфаати кўзланишини ёритган. Ушбу мавзу мана беш аср ошди ҳамки ўзининг моҳиятини йўқотмаган. Одилликнинг асосини ишонч ташкил қиласи. Адолат эса ишонч асосида қурилади. Ҳазрати Алишер Навоий бадиий тасвирилари билан адолатнинг маҳиятини ушбу мақолот орқали ёритган бўлсалар, бугунги замоннинг ёшлирига ҳакиқий илбади мактаби бўла оладиган одоб ҳакида 7-мақолотида алоҳида тўхталиб ўтган.

Ҳазрати Алишер Навоийнинг ижодий меросида она тилимизнинг кенг имкониятлари ҳам исботлар асосида келтирилган. Она тилимизнинг бугунги мавқеи ўз ўрнида ҳазрати Алишер Навоий меҳнатининг мевасидир. Туркий тилларни ўз асарларида мустақил қўллаб, туркий тиллар оиласининг шаклланишига катта ҳисса кўшиди. Шунга доир асарларидан: «Мухокамат ул-лугатай» («Икки тил муҳокамаси») номли асарини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бунда ҳазрати Алишер Навоий – икки тил, яъни турк ва форс тилларининг имкониятларини келтириб ўтган. Ўз навбатида ушбу асар орқали тушуниш мумкинки, туркий тилларнинг имконияти ниҳоятда кенг.

Ҳазрати Алишер Навоийнинг хаёт йўли ҳам ибратга бой. Ҳазрати Алишер Навоий ҳакиқий маънодаги комилликка эришган шахс ва комил инсон тушунчасининг тимсолидир.

Замон кай даражада жадал суръатларда ривож топмасин, аввали, ҳар бир миллатнинг муносиб та-

рихи бўлади. Ана шу тарихда номи мангуликка битилган буюк намоёндалари ўсиб келаётган ёш авлоднинг ифтихоридир. Сўз мулкининг султони ҳазрати Алишер Навоий нафакат туркий адабиёт, балки, жаҳон адабиётида ўзининг салмоғи кенг бўлган ижодий мероси билан ўрин олган.

Навоий дахоси туфайли инсоният тарихида дунёнинг турли жойларида яшайтган туркий ҳалқлар яққалам килинди, миллат маънавий мероси умумжаҳон ҳазинасидан мустаҳкам ўрин олди. Мустақил Ўзбекистонда Навоийни англаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Республикадаги энг йирик вилоятлардан бири ва унинг маркази, Ўзбекистон Давлат мукофоти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Тил ва адабиёт институти, опера ва балет академик театри, Ўзбекистон Давлат кутубхонаси ва бошқа юзлаб маданий-маърифий муассасалари ҳазрати Алишер Навоий номи билан аталади. Юртимизда юртбошимиз томонидан ҳазрати Алишер Навоий номини абадийлаштириш бугунги кунда кенг миқёсда амалга оширилиб келинади.

Тошкентдаги «Ўзбекистон Миллий боғи»даги ҳазрати Алишер Навоий ҳайкални устига бино қилинган ток гирдида ҳазратнинг куйидаги мисралари битилган:

«Олам аҳли, билингизким, иши эмас душманлиг,

Ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиг иши».

Дарҳакиат, ҳазрати Алишер Навоийнинг ҳар бир мисраси башариятга илбади мактаби бўла олади. Зоро, адолат – ҳакиқий бадиий мерослардагина асар сарҳадларидан омон ўта олади. Ҳазрати Алишер Навоийнинг адабий-бадиий мероси ана шундай асар сарҳадлари оша мисли сиёҳи қотиб улгурмаган битикдек қайноқ нафаси билан инсониятни эзгуликка чорловчи маёқ вазифасини ўтаб келмоқда.

ЖАМИЯТ – ИСЛОХОТЛАР ТАШАББУСКОРИ

Маълумки, 2020 йил 24 январь куни Президенттимиз Олий Мажлисга кейинги мурожаатномасини билдириди. Бу мурожаатда Президенттимиз халқимизнинг ҳар соҳадаги ривожланнишилари, ўзгаришилари, бартараф этилган камчиликлар, эришилган ютуқлар, хали бажарилмаган ишлар түргисида сўз юритдилар. Юзма-юз мұлқот клубининг сұхбати шу мавзуга бағишиланди.

ВИЛОЯТИМИЗДАГИ БҮНЁДҚОРЛИК ИШЛАРИ

Юртимизда биргина мактабгача таълим йўналиши бўйича кўплаб ислоҳотлар ўтказилди. Жумладан, бизнинг вилоятда хам кўплаб боғчалар ишга туширилди. Олдингилари капитал ремонт қилинди. Институтларда бу йўналиш бўйича мутахассислар тайёрлаш учун ўринлар кўпайтирилди. Педагогика йўналишини оладиган бўлсак, бу йилдан 6 та йўналишдаги институтлар бакалавр ўқитиш йили 4 йилдан 3 йилга қисқартирилди: грантлар сони 2 баробарга кенгайтирилди; қизлар учун алоҳида грант ўринлар очилди.

Бизнинг вилоятимизда, яъни Жиззах Давлат педагогика институти ҳам яқинда янги таъмирдан чиқди ва барча кафедралар керакли технологиялар билан таъминланмоқда. Тиббиёт йўналиши бўйича вилоятларга алоҳида грант ўринлари очилди. Вилоятимиз кўп тармоқли шифохоналари янги инновацион технологиялар билан таъминланди. Касалхоналарда суғурта полисини ривожлантириш бўйича кенг ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари касалхоналардаги навбатда туришлар электронлаштирилмоқда. Тиббиёт ўкув юртларидаги магистр ва ординаторлар чет эл мамлакатлари билан фикр алмасиб, уларнинг янги технологияларини ўзлаштириши учун алоҳида квоталар жорий этилди. Ўзимизнинг институтимизда ҳам бакалавр йўналишида ўқийдиган талабалар З-курсда бошқа чет эл мамлакатларида ўқишини давом эттиришлари учун имкониятлар очилди.

M.Муҳаммадова

ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР

Ха, бунга кўшимча сифатида ўзимизнинг институтимиздаги таъмир ишларини ҳам келтириш мумкин. Хусусан, олий таълимни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган имкониятлар, квоталарнинг оширилиши, кўплаб янги олий ўкув юртлари ташкил қилиниши, хорижий университетларнинг филиаллари очилиши мамлакатимизда олий таълимга, сифатли кадрлар сонини оширишга қаратилган тадбирлар бунинг якъол далили.

Халқ дарди ва талабарини тўлиқ тинглаб, ечим топиш мақсадида жойларда «Халқ қабулхоналари» ташкил этилиши халқимиз аҳолиси учун жуда катта қулайликлар олиб келмоқда. «Обод маҳалла» дастури доирасида чекка туманларда жуда катта ва кенг кўламли ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

«Хар бир оила тадбиркор» дастури доирасида тадбиркорларга кам фоизли кредитлар янада осонлаштирилган тартибда бериләётгани, иш хақига солик юки 1.54 баробар камайтирилганлиги ва тадбиркорлар учун

яратилган бошқа имконият ва қулайликлар уларни янада шижаот билан меҳнат қилишга ва миллатимиз ривожига ўз хиссасини кўшишга унダメоқда.

Бону Эргашева

ШИФОКОРЛИК МАҚОМИ

Таълим соҳасида иқтидорли ёшлиар учун кўпгина имкониятлар яратилди. Ўтган йиллар мобайнида 4та Президент мактаби, 3 та ижод мактаби ишга тушди; Педагогиканинг 6 та йўналиши учун таълим йилининг қисқартиб 3 йиллик этиб тайинланиши, тиббиёт йўналишида тиббиёт туризмининг жорий этилиши, Олий таълимда (грант) давлат грантини кўпайтириш ҳақида таъкидланган.

Тиббиётда суғурта тизимини ишга туширишни қайта кўриб чиқиши ҳам яхши янгилик бўлди, хусусий тиббиётни ривожлантириш, тиббиёт марказларига хорижий инвесторларни жалб қилиш, яна гематология, вирусология, иммунология соҳасидаги ишлар самарасини оширишдир.

Мажбурий тиббий суғуртага оид қонунларни жорий йилда Сирдарё вилоятида тажриба сифатида қўллаш бошланди.

Атроф мухитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кучайтириш керак. Орол фожеаси оқибатларини юмшатиш ҳақида, ўрмонзорларни кенгайтириб Нукус, Урганч, Хива шаҳарлари атрофида «Яшил боғлар» барпо этиши ҳақида айтиб ўтдилар.

Мадина Режепова

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ САЙЛОВ

2019 йил 22 декабрда «Янги Ўзбекистон – янги сайлов» шиори остида сайлов бўлиб ўтди. Бунда сайловнинг ҳалқаро стандартлар асосида ўтказилишини назорат қилиш учун бошқа давлатлар ва ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этишиди.

2019 йил - «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиши» йилида кўпгина ислоҳотлар ўтказилди. Ёш битирувчиларга тадбиркорлик учун 7%ли кредитлар ажратилди.

Хусусан, Олмалиқ шаҳрида оиласиб хусусий мактабгача таълим муассасаси ишга туширилди.

Яна Олмалиқ шаҳрида бозорлар, йўллар қайта таъмирланди, янги уйлар, истироҳат боғлари курилди, Россиянинг МИСИС институтининг филиали ташкил этилди. Бундан ташқари, 2019 йилда мутглақо янгича мазмун ва шаклдаги 4 та Президент мактаби, 3 та ижод мактаби иш бошлади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат муассасалари билан бир қаторда хусусий тиббиёт йўналиши ҳам жадал ривожланмоқда. Хусусан, Нодавлат – нотижорат тиббиёт институти «Akfamedlinne» ташкил топди.

Нилуфар Жуманазарова

РАҶОБАТ СИФАТНИ ОШИРАДИ

Иқтисодиётимиз охириг 2-3 йил ичида сезиларли даражада олдинга силжиди. Чет эллик инвесторлар томонидан киритилган инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиардга ёки 3,7 баробарга ўсди. Илм-фанга келадиган бўлсак, олий таълим муассасалари ўзини-ўзи молиялаштириш тизимида ўтадиган бўлса, бундай муаммолар аста-секин йўқолиб боради. Чунки ракобат кучаяди.

Фурқат Аҳмаджонов

ТУРИЗМ ЎРТНИ ДУНЁГА ТАНИТАДИ

Президентимиз таъкидлаганлариdek, йўл курилиш, саноат, таълим соҳаси, бизнес корхоналар ва бошқа йўналишлар бўйича туманимизда катта ўзгаришлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, нафакада бўлган ва оиласий шароити оғирроқ бўлган, ногиронлиги бўлган шахсларга ёрдам кўрсатиш ўз вақтида амалга оширилаётганин кўришимиз мумкин.

Аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича туман марказидаги шифохоналар ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун техника воситалари кўпайтирилмоқда.

Оқсаной ёдгорлигини дунёга танитиш учун ва туризм соҳаларини ривожлантириш мақсадида жуда кўп ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Шоҳруҳон Ҳабибов

ЙИЛ НОМИДА МАҲНОСИ ЧУҚУР

Илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларни чукур билимли юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, замонавий босқичга кўтариш мақсадида юртбошимиз 2020 йилни «Илм-маърифат ва ракамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб номладилар.

Ёшлар Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассасаларига квоталар сони камлиги туфайли хориж ўкув юртларида ўқишга мажбур бўлишар эди, лекин юртбошимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йилдаги қарорларига асосан барча хориж юртларидан Ўзбекистон Республикасига имтиҳонлар асосида тўғридан-тўғри ўқишни кўчириш ва қайта тиклаш мумкинлиги айтиб ўтилди. Бу қарорга асосан барча ёшларни ўз юртларида ўқишлари учун кенг шарт-шароитлар яратилди.

Шулар жумласидан олий таълим муассасаларига квота миқдорининг кўпайланлиги кўрсаткич даражаси кўтарилганлиги, олий маълумот олмоқчи, ўз устида ишлаб илми бўлиш, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизни таҳсил олиши учун хамма қуайликлар аста-секинлик билан барча шарт-шароитлар яратилиб келинмоқда. Олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2020 йилда камида 25% га ва келгусида 50-60% га етказилиши олий таълим қамровини оширилиши тўлов контрактига боғлиқ бўлиб қолмаслиги, грантларни 2 баробар кўпайтириши шулар жумласидандир.

Мавруда Воҳидова

ЙИЛ ДАВЛАТИ НОМИНИ ОЛДИК

Мамлакатимизнинг Экономист журналида 2019 йилнинг энг жадал амалга оширилган ислоҳотларни давлат сифатида «Йил давлати» деб эълон қилиниши юртбошимизнинг сайи ҳаракатлари туфайлидир. Мамлакатимизда олий ўкув юртларига киришни соддалаштириш ва айниқса қизларга алоҳида эътибор кўрсатилаётгани бизларга катта таъсир қилди. Юртбошимизнинг депутатларга қарата ҳар бир берган ваъдаларини амалга ошириш шартлиги, шу қаторда ўзларини ҳам сайловчидек ишончларини оқлашлари лозимлигини таъкидлар ўтиш керак.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, юртбошимизнинг 2020 йилни «Илм-маърифат ва ракамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб ном берилгани ҳамда «Рақамли Ўзбекистон - 2030» дастури ишлаб чиқишни 2 ой мuddатда якунлаш лозимлигини айтиб ўтдилар. Ўкув юртларида талабаларнинг назарийдан кўра кўпроқ амалиётни татбиқ қилиши, биз талабаларга ўз мутахассислигимиз бўйича кўпроқ билимларни ўзлаштиришимизга ёрдам берди. Айниқса, мутахассисликка тегишли бўлмаган фанларнинг 2 баробар қисқариши ҳам ўз мутахассислигимизга оид билимларини янада кўпроқ ўзлаштиришимизга шароит яратади.

Покиза Ханзаева

ЭНГ КАТТА БОЙЛИК – АҚЛ, ЗАКОВАТ

Жонажон Ватанимиз Ўзбекистоннинг сўнгти йилларда барқ уриб ривожланаётганини ҳар бир ўзбек фарзанди завқ ва шавқ билан кузатмоқда. Айтиб ўтиш жоизки, бу жонкуяр ва адолатпарвар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўта ташаббускорлиги хисобига амалга ошмоқда ва бунга жавобан халқимизнинг ҳам биргаликда ҳаракатлари ривожланиш даражасини янада юксалтироқда.

Президентимиз халқимизга карата айтадиларки: «Халқимиз шуни яхши билиши керакки, олдимизда ва узоқ ва машақатли йўл туради. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб ўргансак, ишимизни мукаммал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсақ, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради». Бу сўзлардан маълумки, халқимиз турмуш тарзи, кўнгилмалари, дунёқарашини кенгайтириш мақсадида «Жамият – ислоҳотлар ташабbusкори» деган ғоя асос қилиб олинди. Демак, ягона мақсад сари халқимиз ва йўл кўрсатувчи юлдизимиз бўлган Президентимиз билан биргаликда ҳаракат қилсаккина буларнинг барчаси амалга ошади.

Мисол қилиб айтсақ, жорий йилда «Эл юрт умиди» жамғармаси томонидан 700 дан зиёд олимлар, профессорлар, ўқитувчилар чет элга илмий изланиш ва малака ошириш учун юборилади. Шарқ алломалари айтганидек: «Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхшилик тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир». Бунга амал қилайлик, дўстлар.

Моҳинур Абдуллаева

РЕКТОР ВА ЁШЛАР



Мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор, ўсиб келаётган баркамол авлодга бўлган ғамхўрлик давлат сиёсати дараҷасига кўтарилигани билан ҳам жуда аҳамиятлидир. Ёшларга қаратилган эътибор, уларни қўллаб-қувватлаш даражаси кун сайин ортиб бораётгани ўғилқизлар учун кўплаб имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Зеро, ёшлар Ватан келажаги, эртанги куннинг бунёдкорлари-данdir.

2020 йил 29 январь куни Тошкент Педиатрия тибиёт институтида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жаноблари раҳбарлигига 2019 йил 27 декабрь куни мамлакат ёшлари билан учрашувда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқишига қаратилган топшириклар ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазмун-моҳияти билан ёшларни кенг миқёсида танишириш мақсадида «Янги Ўзбекистонни, албатта, ёшлар билан бирга курамиз!» шиори асосида ташкиллаштирилган - «Ректор ва ёшлар» учрашуви бўлиб ўтди. Ушбу учрашувда таникли дав-

лат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фан арбоблари, шоир ва ёзувчилар ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вакиллари иштирок эттилар. Тадбирни қизғин сұхбатлари билан бошлаб берган Ўзбекистон Қаҳрамони – профессор Холиджон Комилов ва «Фидокорона хизматлари учун» ордени кавалери – Эркин Турсунов талаба ёшларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасининг моҳияти ҳақида сұхбат олиб бордилар.

Айниқса, талаба ёшларга бугунги эътибор ҳақидаги мулоҳазалари билан Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси аъзоси, «Шуҳрат» медали соҳибаси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Кавсар опа Турдиева учрашув жараёнини қизғин фикрлари билан бойитдилар, яъни ютробошимизнинг ташаббуслари билан мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати янада юқори босқичга кўтарилигани, ёшларнинг ўз иқтидори ва салоҳиятларини юзага чиқаришлари учун имкониятлар яратиб берилаётганлиги, ёшлар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганлигини таъкидладилар.

Ушбу учрашув мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ёшларнинг фаол иштироқини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соглом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Айниқса, дўстона ўтган учрашувга йиғилган талаба ёшлар ўзларининг фикрмуроҳазалари, ютуқлари ва келажакдаги режалари ҳақида фикр алмашидди. Ўз навбатида учрашувга таклиф этилган меҳмонлар ҳам ўзларининг талабалик йилларини хотирлашди, ўтмиш ва бугунни солиштириб, талаба ёшларимизга йўл-йўриқ ва тавсияларини ҳамда бугунги таълим тизимининг жадал ривожига ўз ҳиссасини қўшишлари лозимлиги ҳақида мулоҳаза юритишиди.

Бўлиб ўтган тадбиримизнинг ноодатий ташкил этилганидан кўзланган асосий максад ҳам ёшлар билан янада яқин бўлиш, уларни қийнаётган муаммолариға ечим топишдир. Жамиятимизда ўзгача ёндашувга эга, салоҳияти баланд ва янгича фикрлайдиган ёшлар керак.

Ҳар бир давлатнинг келажаги уларнинг умидли ёшларидир. Келажакка муносиб ёшлар тушунчаси ҳам шу сўз билан ҳамоҳангдир. Доно халқимизнинг йиллар чиғиригидан ўтиб келаётган пурмаъно ҳикматларида: «Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр – мингни» дея таъкидланиши ҳам бежиз эмас. Дарҳақиқат, бугуннинг ёшлари эгаллаган билимлари билан ҳақиқий маънодағи буюк келажакни қуради!

X. Абидов
ТошПТИ Матбуот котиби

ИЛМ-МАЪРИФАТГА ЭЪТИБОР

Асрларнинг сарҳадларидан сайқалланиб келаётган доно халқимизнинг мазмунга бой ҳикматларида олам-олам маъно мужассамлашган: «Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр – мингни». Дарҳақиқат, замонавий таълим системасида ҳам қандай соҳа бўлишидан қатъи назар билим салоҳияти юқори бўлган кадрларга талаб ортиб бормоқда. Ҳар бир ўрта ва олий таълим билим юртида амалий тажриба ҳамда кўникмаларни етарлича эгаллаган талабаларни тарбиялаш ва замонавий инновацион таълим тизимини оммалаштириш чора-тадбирлари кенг кўламли тарзда амалга оширилиб келиниши ҳам бунинг яққол далилидир. Негаки, Ватан келажагига фақатгина муносиб ёшлар ўзларини дахлдор ҳис қила олади.

Мұхтарам юртбошимиз Шавкат Мирзиёев бошликларида юртимизда таълим тизимидағи бир қатор ислоҳотлар ўзининг тасдигини топди. Жойларда турли фанларга ихтисослашган ҳамда ижод мактабларининг ташкил қилиниши, ихтисослашган, олий таълим тасарруфидаги академик лицейлардаги таълим тизимини қайта кўриб чиқиш каби олий таълимгача бўлган таълим тизимидағи очиқ-ошкораликни таъминлаш ишлари кенг миқёсда амалга оширилди. Бундан кўзланган ягона мақсад – олий таълимдаги таълим тизимини шаффофлаштиришdir. Негаки, ўз билимiga таянган абитуриент турли қингир йўл билан имтиҳондан ўтиш йўлларини эмас, балки олий таълимгача бўлган тизимидағи ўз билимiga таянган ҳолда бакалаврликка ҳаракат қиласи. Мана шу каби муаммоларнинг кескин камайганини айнан 2019 йилги олий таълимга кириш имтиҳонларида

кузатилганлиги диққатга сазовордир. Демак, юртимиздаги таълим соҳасида олиб борилган ислоҳотлар ўзининг натижасини кўрсатмоқда.

Олий таълимга кириш ўринларидаги ажратилган жойларнинг ҳам айнан мана шу ўқув йилида 20 фоизга ошганини кўришимиз мумкин. Янги 2020-2021-ўқув йилида эса бу кўрсаткични 50 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда. Шу хусусида жойларда янги олий таълим муассасалари ва филиалларини ташкил қилиш ишлари бошлаб юборилди. Маълумки, жорий ўқув йилида бир қанча масъулияти чекланган ва кредит-модуль тизимидағи олий таълим муассасаларида 2019-2020-ўқув йили учун қабул бўлиб ўтди. Юртимизда мавжуд бўлган олий таълим тизимини кенг кўламли тарзда кредит-модуль тизимиға ўтказиш лойиҳалаштириляпти. Бу кўрсаткич қарийб 80 фоизга оширилиши кўзда тутилган. Бу каби таълим соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширилишидан ягона мақсад – келажакка муносиб замон билан ҳамнафас кадрларни тайёрлашдир.

Жамиятимизда ва таълим соҳасида катта из қолдирган машҳур ўзбек маърифатпарвари, миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг вакили ҳамда жамоат арбоби Абдулла Авлонийнинг ўлмас сатрлари ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлодга қарата айтилган ҳикмат вазифасини ўтайди: «Тарбия – бизлар учун ё хаёт, ё мамот, ё најот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир». Дарҳақиқат, ёшларимиз онггida бўшлиқка жой қолдирсан, албатта, ўша бўшлиқни ёвуз мақсадли шахслар ўз ғоялари билан тўлдирди. Демак, ҳеч биримизнинг Ватан келажагига бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жанобларининг 2020 йилги Олий Мажлисга мурожаатномасида 2020 йил – «Илм, маърифат ва ракамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилишлари ҳам юртимизда илм-маърифатга бўлган эътиборнинг юқори чўққида эканлигининг яққол далилидир. Юртбошимиз бу борада устозларимиз меҳнатини алоҳида хурмат ва эҳтиром билан эътироф этдилар.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам бир қатор ислоҳотлар амалга ошириляпти. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг филиали ташкил этилиб, янги 2020-2021-ўқув йилидан бошлаб қабул очилиши лойиҳалаштирилмоқда. Бу эса тиббиёт соҳасига қизиқувчи ёшларимизга яна бир имкон йўлининг кенг очилишидир.

Шў ўринда айтиб ўтмоқчиманки, илм-маърифатли шахс ҳеч қачон ва ҳеч кимга қарам бўлмайди, Ватан келажаги учун ўзини дахлдор ҳис қилиб яшайди. Қай соҳада бўлмасин, қай таълим турида бўлмасин барча амалга оширилаётган янги ислоҳотлар негизида, аввало, инсон ва унинг манфаатлари турди. Зеро, илм-маърифатнинг юқори кўламда бўлиши жамиятимизда ёшларимизнинг шахс сифатида шаклланишларига кенг йўл очиб беради. Ватанга шиҷоатли, куч-ғайратга тўла, билим салоҳияти юқори ва ҳар томонлама етук бўлган ёш авлод вакиллари керак. Негаки, Ўзбекистон келажаги – унинг ёшлари қўлидадир.

Ш.Абзалова
Илмий тадқиқот инновациялар ва илмий – педагогларни тайёрлаш бўлими бошлиги

АДАБИЁТИМИЗ ЖАВОҲИРЛАРИ



Ҳар бир миллатнинг буюк мутафаккир ва шоирлари, миллат шаъни учун жон фидо этган қаҳрамонлари доимо ўз халқининг ардоғида яшаб келади. Мана шундай умри боқий мутафаккирларимизнинг таваллудини оммавий тарзда нишонлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг қалбида меҳр-муҳаббат ҳиссини ошириб бориш каби мақсадларни кўзлаган ҳолда бугун юртимизда кенг кўламли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Ғазал мулкининг султони бўлган ҳазрати Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллигини кенг тарзда нишонлаш бўйича турли таълим муассасаларида адабий-бадиий кечалар ташкил қилинмоқда. Жумладан, куникеча Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида ҳам ҳазрати Алишер Навоий таваллуд айёмига бағишланган адабий кеча бўлиб ўtdи. Ушбу кеча давлатимизнинг миллий мадҳияси билан бошланди. Ўзбек тили ва адабиёти, рус ва лотин тиллари кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент Кавсар опа Турдиева Алишер Навоий ва Захириддин Мухаммад Бобур ҳақидаги эътирофлари билан кечани очиб бердилар: «Захириддин Мухаммад Бобур қалбан соғинчга душвор шоирқалб эди. Она Ватан соғинчи буюк шоҳнинг қалбига ором бермагани унинг ҳар бир байтида уфуриб турибди.

«Толе йўқи жонимга балолиг бўлди,

Ҳар ишиники айладим, хатолиг бўлди.

Ўз юртни қўйиб, Хинд сори юзландим,

Ё Раб, нетай, не юзқаролиг бўлди?...» – дея
Она Ватан олдида шоҳ ўзини «юзқаролиг»да айбламоқда. Негаки, шоҳлик ҳам қалбан гадо бўлиш олдида соғинчни енга олмайди!...
Дарҳақиқат, шоиримиз таъкидлаганлариdek, адабиётимиз жавоҳирлари – бу буюк икки шахс мисоли туркий тилнинг дарғаларидир.

Бугун адабиётимизнинг олтин саҳифасида ҳазрати Алишер Навоий ҳамда Захириддин Мухаммад Бобур каби буюк бобокалонларимиз номлари тилга олинади. Чунки бу мутафаккирларимиз она тилимизнинг шаклланиши ва ривожига беш аср бурун ўз ҳиссаларини қўшган бўлсалар, уларнинг ўлмас адабий мероси асрларни мисли қаритиб келмоқда.

Захириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 537 йиллиги кенг қамровли тарзда юртимиздаги барча таълим муассасаларида нишонланмоқда. Жорий йилнинг 14 февраль куни бўлиб ўтган кечада Даволаш иши факультети 101-гурухи талabalari ўзларининг чиқишилари билан тадбир қатнашчиларини хушнуд эттилар. Айниқса, «Яхшидан боғ қолади» номли саҳна кўриниши барчага манзур бўлди. ТошПТИ 2-Педиатрия иши, 4-босқич талабаси Жуманазаров Бобурнинг қўшиқлари ҳамда 2-Педиатрия иши 106-гурух талабаси Қўчкорова Зарнигорнинг бетакрор ва нафис ракси тадбирга ўзгача руҳ бағишилади. Барча иштирокчилар талabalarning турли саҳна кўриниши ва чиқишиларидан мамнун бўлишиди.

Айниқса, Даволаш иши факультети 101-гурух талabalari томонидан ҳазрати Алишер Навоий туғилишига бағишлиланган «Чақалоққа аzon айтиш» саҳнаси барча тадбир қатнашчиларига бирдек манзур бўлди. Саҳна узра гўдак йифиси ва азон овози... Сокинликка бир лаҳза чўмган кенг саҳна гўё бир нафасда жунбушга келди... Саҳнада гўё беш асрки қалам билан дунёни забт этиб келаётган буюк мутафаккиримиз гўдак қиёфасида эди...

Кейинги саҳна кўриниши «Навоий ва Гули» номли диалогга бағишиланди. Ҳар қалбда гуллаётган муҳаббатта тўла бу саҳна кўриниши ҳазрати Алишер Навоий шахсиятини яна бир бор очиб бергандек эди.

Замон ва макон танламайдиган, нафақат туркий адабиётимиз, балки, жаҳон адабиётида ҳам ўзининг мисли олтин таҳтига эга бўлган, бир сўз билан айтганда, она тилимизнинг асосчилардан бири ҳазрати Алишер Навоий ва Захириддин Мухаммад Бобур адабий мерослари ва шахсияти ҳақиқий маънодаги миллатимизнинг бойлигидир. Зоро, ҳалқ ана шундай тарихи билан келажагига тик боқа олади.

*М.Ҳамроқулова
Ўзбек тили ва адабиёти, рус ва лотин тиллари кафедраси катта ўқитувчиси*

БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР МАВЖУД


“Бизнинг қудратимизга гумонда бўлсалар, бизнинг барпо қилган иморатларимизга боқсин”, - дей эътироф этган эдилар буюк саркарда Амир Темур. Дарҳақиқат, аввало, биноларимиздаги кўркамлик – буюк тарихимизнинг қудратига мисол бўла олади.

Бугунги ривожланаётган техника асирида сифатли таълим тизимини кенг оммалаштириш долзарб масалалардан бирига айланган бўлса, таълим масканларида талабаларга етарлича шарт-шароитлар яратиб бериш ва талабалардаги мавжуд муаммо ҳисобланган ётот-жой масалаларини кенг кўламли тарзда қамраб олиш каби масалалар тўлаконли дарражада ўрганиб чиқилмоқда. Олий таълим муасасаларидағи сифатли таълим билан биргаликда барча талабларга жавоб бера оладиган, сифатли шарт-шароитларга эга бўлган иншиотларни барпо қилиш чора-тадбирлари ҳам амалда кўриб чиқилди. Мисол тарикасида Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг 1-Талабалар турар жойидаги барча қулайликка эга бўлган хоналар ва озодаликка эга бўлган барча шароитларни кўришимиз мумкин.

Умумий бинодаги яшаш учун мўлжалланган хоналар сони 52 тани ташкил қиласди. 1-Талабалар турар жойида истиқомат қилувчи талабалар сони 150 нафарни ташкил қиласди. Жумладан, 150 нафар 1-Талабалар турар жойида истиқомат қилувчи талабаларнинг 78 нафари ўғил болаларни ҳамда 72 нафари қиз болаларни ташкил қиласди.

1-Талабалар турар жойида барча турдаги байрам тадбирлари ташкил қилиниб борилади. Ташкил қилинаётган барча тадбирларда талабалар иштирок этиб, ўзларининг тенгдошлари ўртасида иқтидорларини кўрсатишлари учун бир имкон вазифасини ўтамоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад – талаба ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишдир. Негаки, ёшлар онгигдаги бўшлиққа бугун сиз-у биз малҳам топа олмасак, эртанги кунда, албатта, ёвуз ниятги бошқа кучлар ўз таъсирини ўтказади. Ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлод – эртамизнинг умидидир.

1-Талабалар турар жойидаги яна бир қулайлик сифатида талабаларнинг оммавий ахборот тизимиidan тўлақонли фойдаланишларини кўзлаган ҳолда кунлик матбуот тизими жорий қилинган. Бугунги



жадал қадам олаётган техника асиридан бир сониялик ортда қолиш – бир асрга айланиши мумкин. Давлат ва жамият ривожи, аввало, ёшларининг салоҳияти билан ўлчанади.

1-Талабалар турар жойида истиқомат қилаётган талабаларимиз билан очиқ мулоқот олиб борганимизда уларнинг яшаш шароитларидан мамнун эканликларининг гувоҳи бўлдик.

“Барча шарт-шароит етарлича яратилган. Маданий дам олиш хоналаридаги кўркамлик – биз талабаларга эртанги дарс ва кун учун яна бир бор туртки бўлади. Қачонки шароит етарли бўлса, то тувлек бўлади”, -дейди 1-Педиатрия факультети 512-гуруҳ талабаси Қаршиев Искандар.

Тиббиёт педагогика факультети 203-гуруҳ талабаси Абдуллаева Муаттар: “Биз талабалар 1-Талабалар турар жойидаги барча қулайликлардан мамнунмиз. Нафакат озодалик тарафидан, балки, тарбиявий жиҳатидан ҳам ётот-жой тарбиячиларимиздан миннатдормиз. Ўз онамиздек бўлиб қолган – Муруват опа Акбарова ҳам”, – дейди.

Талабалар кўзидағи илмга ташналик ва ахилликни кўриб, ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон – келажаги буюк давлат, дегинг келади. Зоро, бизнинг барпо қилган иморатларимиз, яъни келажак авлод учун қолдираётган маъданий меросисиз асрлардан бардавом ўта олган. Негаки, ёшларимиз бунданда юксак иморатларни барпо қилишга қодир ёшлардир.

O. Жумаев
*Аллергология, клиник иммунология,
микробиология кафедраси ассистенти ва
1-ТТЖ тарбиячи-педагоги*

ИНСОНИЙЛИК

Университет қошидаги лицейнинг 2-курс ўқувчилари иқтисодиёти фани ўқитувчинини кутишаётган эди. Синф ўқувчиларнинг шовқин-суронидан ларзага келаркан, эшикдан қаттиқўл устознинг қораси кўринди.

У болаларга совуқ нигоҳларини қадаб, қўлидаги бўр билан доскага катта қилиб 1 рақамини ёзди.

- Қаранглар! - деди у. - Бу инсонийлик. Инсонийлик ҳаёт бизга бериши мумкин бўлган энг қимматбахо нарса. Кейин 1 нинг ёнига 0 рақамини ёзди:

- Бу муваффакият. Инсонийлик муваффакият билан бирга бўлса, 1 ни 10 га айлантиради, - деди устоз ва доскадаги рақам ёнига яна бир 0 қўшди.

-Бу эса, тажриба. 10 бўлсангиз 100 га айланасиз. Нолларни истаганингизча қўшинг: малака, қобилият, интизом, севги ва хоказо. Қўшилиб бораётган ҳар бир нол инсонийликни 10 баробар кучли қилади.

Кейин қўлига латтани олиб, қатор бошида турган 1 ни ўчириб ташлади. Доскада бир талай 0 лар қолди.

Устоз сукунатга мазмун берди:

- Инсонийлик бўлмаса, бошқаси бекор!

НАВОЙ БОБО

*Маънодан хазина тузган буюк зот,
Элим деб яшаган қалби қуюк зот.
Сиз- назм аҳлига мангу суюк зот,
Бизни қўллаб туринг, Навоий бобо.*

*Қолдирдингиз юзлаб бинони ҳайр,
Бизга ҳабар берди бундан Хондамир.
Сиз каби сахийни билмас бу дайр,
Бизни дуо қилинг, Навоий бобо.*

*Сиздан ўрганамиз устоз ҳурматин,
Сиздан ўрганамиз шогирд иззатин.
Сиздан ўрганамиз инсон тоқатин,
Бизни қўллаб туринг, Навоий бобо.*

*Сиз- туркий назмнинг ўчмас машъали,
Назмингиз тоабад ўтли, нашъали.
Сўз-ла бунёд бўлган сабр ҳайкали,
Бизни қўллаб туринг, Навоий бобо.*

Муниса Каримова

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**Профессор-ўқитувчилар таркиби бўйича қуйидаги кафедралар лавозимларига
ТАНЛОВ эълон қилади:**

КАФЕДРА МУДИРЛАРИ: Анеестезиология ва реаниматология, болалар анеестезиологияси ва реаниматологияси; Анатомия, патологик анатомия.

ДОЦЕНТЛАР: Клиник фармакология; Асад касалликлари ва болалар асад касалликлари.

КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР: Гистология;

ЎҚИТУВЧИЛАР: Ўзбек тили ва адабиёти.

АССИСТЕНТЛАР: Болалар касалликлари пропедевтикаси; Асад касалликлари ва болалар асад касалликлари; Патологик анатомия; Психиатрия, наркология ва болалар психиатрияси, тиббий психология, психотерапия.

**Танлов муддати –эълон чиққан кундан 1 ой
Манзилгоҳ- Богишамол кўчаси 223, Тош ПТИ. Автобуслар: 115,19
ТошПТИ бекати. 2020.17.02.**

| | | | |
|---|---|---|--|
|  <p>САХОДАЛИК – ТУМАН ЙОЛДИЗ ЕВРОПА ВАРДА – ЙОГАНГИ СТРУКТУРЫ PEDIATR ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ МЕХНАТ ЖАМОАСИ НАШРИ ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСИТИУТА</p> | <p>Таҳрир кенгаши: Д.А. Асадов, А.В. Алимов, Х.Ф. Хайдаров, М. Ахмедова, А.И. Искандаров, К. Ҳайтов, Т.С. Аъзамхўжаев, Д.Т. Ашурова А. Валиев, А.А. Кудайберганов, С.С. Гулъянов, Г. Усманова Нашр учун масъул: Р. Фўччиева</p> | <p>Бош мухаррир: Б.Т. ДАМИНОВ Таҳрир ҳайъати: (иши гурӯҳ) Э.О. Турсунов, К.Ш. Турдиева (Бош мухаррир ўринбосари), А.М. Маннанов, Д.А. Ахмедова, С.А. Бегмонов, А. Носиров, З. Каримова, А. Худайбердиев</p> | <p>Газета Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошкармасида 29.12.2006 йил 02-0010-сон билан рўйхатта олинган. Манзил: 700140, Тошкент-140, Богишамол кўчаси, 223</p> <p>Cho'lporon nomidagi NMU техник ва дастурий воситалари базасинда чоп этилди. Манзил: Тошкент, 100129, Навоий кўчаси, 30. -буюртма. Адади 100 нусха.</p> <p>Газета институт хисобидан нашр этилади ва белуп таркилади.</p> |
|---|---|---|--|